

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2025 йил ноябрь ойининг 25 куни, жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман суди ўз биносида видеоконференцоалоқа режимида очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: туман судининг раиси У.Солиев,

Судья ёрдамчиси-Д.Холдаровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси-Пахтаобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Тўрахонов, судланувчи Ғ.Муродов ва унинг ҳимоячиси-Пахтаобод тумани “Law-Justice” адвокатлик бюроси адвокати Ж.Абдуқаҳоров, жабрланувчи О.Жўраеваларнинг иштирокида, Муродов Ғайратжон Ғапиржоновичга оид 1-1712-2501/267-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Муродов Ғайратжон Ғапиржонович (Murodov G‘ayratjon G‘arirjonovich), 1983 йил 21 апрелда Пахтаобод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, депутат эмас, давлат мукофотлари олмаган, ҳарбийга мажбур, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг 2008 йил 22 сентябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан 2008 йил 28 августдаги “Амнистия тўғрисида”ги қарорининг 6-бандига асосан жазодан озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг 2010 йил 19 августдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилган;

3) жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг 2025 йил 28 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддасининг 5-қисми билан 7 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭД 2-минтақавий ҳудуд 3-сон тергов ҳибсхонасида ўтамоқда, Пахтаобод тумани, Мустаҳкам МФЙ, Гўзал-ҳаёт кўчаси, 44-уйда яшайди, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулоса нусхасини 2024 йил 17 октябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят ишида тўпланган далилларни суд мажлисида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб, тарафларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охирги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни



А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Муродов Ғайратжон Ғапиржонович қуйидаги ҳолатда жиноят содир этган.

Жумладан, у 2024 йил июль ойида Пахтаобод тумани, Мустаҳкам МФЙ ҳудудида жабрланувчи О.Жўраеванинг ишончини суиистеъмол қилиб, унга аслида марҳум Б.Араббоевнинг раҳбарлиги остидаги “Файзулла Сайдулла” фермер хўжалигига тегишли Пахтаобод тумани, Намуна массиви қишлоқ хўжалиги харитасининг 474-қ-контуридаги суғориладиган ер майдонидан 0,06 гектар қисмини ўзига тегишли эканлигини айтиб алдаб, уй-жой қуриши учун 5.250 АҚШ долларига сотишга келишиб, шу тариқа уни 65.927.767 сўмга тенг анча миқдордаги 5.250 АҚШ долларини қўлга киритиб, фирибгарлик қилган.

Ғ.Муродов Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган.

Ғ.Муродовнинг айби дастлабки тергов даврида тўпланган ва суд жараёнида текширилган қуйидаги ишончли далиллар билан ўз исботини топган.

Хусусан, судланувчи Ғ.Муродов видеоконференцоалоқа режими орқали судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, жабрланувчи О.Жўраевани танишини, 2024 йил июль ойида Пахтаобод туманидаги “Файзулла Сайдулла” фермер хўжалиги раҳбари лавозимида ишлаган марҳум Б.Араббоев унга фермер хўжалигига тегишли ер майдонида уй-жой қуриш учун сотиладиган ер майдони борлигини айтиб, харидор топишини айтганида, Б.Араббоевдан қанчага сотишини сўраганида, 0,06 гектарни 5.250 АҚШ долларига сотишини айтганини, кейин таниши О.Жўраевани уй-жой қуриши учун сотиладиган ер майдони суриштириб юрганлигини эшитиб, унга Б.Араббоев томонидан таклиф қилинган 0,06 гектар ер майдонини 5.250 АҚШ долларига сотишини айтганида, О.Жўраева бунга рози бўлганини, О.Жўраева унга ерни кўрмасдан туриб 5.250 АҚШ долларини яшаш хонадонидан бир ўзига санаб берганини, О.Жўраевадан олган ушбу пулларнинг ҳаммасини Б.Араббоевга олиб бориб берганини, Б.Араббоев эса унга О.Жўраевага ажратиб бериши лозим бўлган 0,06 гектар ер майдонини кўрсатиб келганидан сўнг, О.Жўраевага ушбу ер майдонини бир ўзи бориб ажратиб берганини, кейинчалик О.Жўраевани ушбу ер майдонига уй-жой қуриши учун фундамент қуйиб қўйганлигидан хабари бўлганини, Б.Араббоев эса О.Жўраева уй-жойни қуриб бўлганидан сўнг кадастр ҳужжатларини тайёрлаб беришини айтганини, лекин 2024 йил 1 август куни Б.Араббоев қон босими касаллиги билан тўсатдан вафот этганлигини, Б.Араббевни жабрланувчи О.Жўраева билан ер масаласида бирор марта гаплашмаганини билдириб, суддан қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи О.Жўраева судда, 2024 йил июль ойида 2 нафар ўғлини оиласи билан яшаши учун алоҳида уй-жойи йўқлиги учун сотиладиган ер



майдони қаерда борлигини сўраб суриштириб юрган вақтида, маҳалласида яшовчи судланувчи Ғ.Муродов унга Пахтаобод тумани, Намуна массивида 0,06 гектар томорқаси борлигини, ушбу томорқасини сотишини айтганлигини, Ғ.Муродовдан ушбу ер майдонини ҳақиқатдан ҳам ўзига тегишли эканлигини сўраганида, ўзига тегишли эканлигини айтиб ишонтирганлиги сабабли, уни бу гапларига ишониб, мазкур 0,06 гектар ер майдонини 5.250 АҚШ долларига келишиб сотиб олиб, унга пулларни тўлиқ берганини, Ғ.Муродовга ушбу пулларни беришдан аввал агарда улардан олган ер майдони ғалвали ва бирор-бир муаммо бўлса, яшаб турган уйини бўшатиб беришини айтган вақтида, Ғ.Муродов унга ушбу ер майдонини ҳеч қандай муаммоси йўқлигини, ўзига тегишли эканлигини айтиб ишонтирганлиги сабабли, ундан ерни хужжати бор ёки йўқлигини сўраганида, Ғ.Муродов унга ҳозирча ерни бирор бир хужжати йўқлигини, кадастр хужжати қилиши учун камида 1 хонали уй қурилган бўлиши лозимлигини айтган вақтида, уни бу гапларига ишониб, Ғ.Муродов томонидан ажратиб берилган 0,06 гектар ер майдонини атрофини бетон пойдевор билан ўраб, 4 хонали уй қуриш учун фундамент қуйганлигини, Ғ.Муродовга кадастр хужжатларини тайёрлаб беришини бир неча марта айтган бўлса-да, лекин бирор бир хужжатларни расмийлаштириб бера олмаганини, 2024 йил куз фаслида Ғ.Муродовдан сотиб олган ер майдонини марҳум Б.Араббоевга тегишли фермер хўжалигига тегишли бўлганлигини эшитганини, Б.Араббоев билан ер масаласида бирор марта кўришмаганини билдириб, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ва қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Х.Араббоев судда, ҳозирда Пахтаобод туманидаги "Араббой чорва" фермер хўжалиги раҳбари лавозимида ишлаб келишини, 2024 йил 1 август куни отаси Б.Араббоевнинг қон босими кўтарилиб кетиши натижасида вафот этганини, отаси Б.Араббоев вафот этгунига қадар Пахтаобод тумани, "Намуна" массивида жойлашган "Файзулла Сайдулла" пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжалиги раҳбари сифатида 2017-2024 йилга қадар фаолият юритиб келганини, мазкур фермер хўжалигининг умумий ер майдони 36 гектарни ташкил қилганини, отаси вафот этганидан сўнг ушбу ер майдонларини туман захирасига қайтарганини, бундан ташқари отаси ҳозирда у раҳбарлик қилиб келаётган "Араббой чорваси" фермер хўжалиги раҳбари сифатида ҳам ишлаб келганини, ушбу фермер хўжалигининг умумий ер майдони 14,4 гектарни ташкил қилишини, чорва фермер хўжалигидан 1992 йилдан буён оилавий фойдаланиб келишларини, чорва фермер хўжалигига қарашли 1 гектар ер майдони адашмаса 2023 йилда отасининг аризасига асосан туман захирасига қайтарилиб, 1 гектардан бериладиган ерлар учун олиб қўйилганини, ҳозирда ушбу ер майдонлари уларнинг фермер хўжалигига қарашли эмаслигини, чорва фермер хўжалигининг ихтиёрида 12 гектар ер майдони қолганини, отаси вафот этишидан аввал, ҳозирда туман захирасига қайтарилган ер майдонига бир неча фуқаролар томонидан уй-жой қуриш учун шағал ва тош маҳсулотларини тўкишиб олишган вақтида, отаси нима сабабдан уларни ер



майдонларига фуқаролар томонидан қурилиш ишларига амалга оширади деб айтиб, улар томонидан тўкилган тош ва шағал маҳсулотларини ўзлари томонларидан тозалаб ер майдонини бўшатиб қўйганини, бироқ, отаси вафот этганидан сўнг, фуқаролар томонидан уларга тегишли бўлган 1 гектар суғориладиган ер майдонига қурилиш ишларини амалга оширишни бошлаб юборишганини, аммо ҳозирда хабар топганини, бир неча фуқаролар жумладан Анвар ака ҳозирда қурилиш қилган ер майдонларини отасидан олганлигини, Ғ.Муродов суғориладиган ер майдонини сотиб, олган пулларни эса отасига олиб бориб берганлигини маълум қилганини, бироқ, отаси ҳеч кимга ер майдони сотмаганини, бошқа шахсларга ҳам суғориладиган ер майдонини бермаганини, агарда ер майдонини сотса ёки бошқа шахсга фойдаланиш учун ва бошқа мақсадларда берган бўлганида, ушбу ҳолатлардан тўлиқ хабардор бўлишини, ҳозирда фуқаролар томонидан қурилиш қилган ер майдонларини отасидан олганини, сотган ерни пулларни отасига берганини айтган гаплари умуман нотўғрилигини билдириб, кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари, суд, давлат айбловчиси, жабрланувчи, химоячи ва судланувчининг музокара фикрларини эшитиб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Ғ.Муродовнинг мазкур жиноятларни содир этганликдаги айби, унинг айбига иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, юзлаштириш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган далиллар мажмуи билан исботланган.

Суд, жиноят ишида тўпланган Ғ.Муродовни ҳам айблайдиган, ҳам оклайдиган далилларнинг ҳар бирини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси асосида баҳолаб, юқорида қайд этилган далилларнинг ҳар бири ва унинг мажмуи, унинг айбини тасдиқловчи бўлганлиги туфайли ишга алоқадор деб, қонунда белгиланган тартибда тўпланганлигини назарда тутиб, уларни мақбул деб, терговга қадар текширув, дастлабки тергов даврида ва судда бир хил баён қилинганлигини ва мантиқан бир-бирига мос ва ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи бўлганлигини назарда тутиб, ҳуқуқий онгга амал қилиб, уларни ишончли деб баҳолаб, айни вақтда, далилларнинг мажмуини уни ЖПКнинг 82-моддаси асосида айблаш ва ҳукм қилиш учун етарли деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ғ.Муродовнинг жинойий ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 4-бандида, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши;



7-бандида, мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилиши ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, юқорида қайд этиб ўтилган Олий суд Пленуми қарорида берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчи Ғ.Муродовнинг алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан жабрланувчи О.Жўраевани 65.927.767 сўмга тенг анча миқдордаги 5.250 АҚШ долларини қўлга киритиб, содир этган фирибгарлик жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши;

ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

168-моддасининг 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Шу ўринда, Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги;

2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорнинг 29-бандида, ЖК 168-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашни истисно этади, шу сабабли, зарар тўлиқ қопланмаган ҳолларда судлар айбдорга нисбатан озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг мақсадга мувофиқ-мувофиқ эмаслиги масаласини муҳокама қилишлари шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Конституция ва Қонун талаблари ҳамда Олий суд Пленуми қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб:

- судланувчи Ғ.Муродовга жазо тури ёки меъёрини белгилашда, у томонидан содир этилган унча оғир жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий



хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан бирга, унинг айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилали, қарамоғида 3 нафар фарзанди борлигини, оилани ягона боқувчиси эканлигини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрнини тўлиқ бартараф қилганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги ва қонуний енгиллик беришни сўраганини, ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ниятда содир этганлигини ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, юқоридаги Қонун талаби ва Олий суд Пленуми қарорида берилган тушунтиришларда етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги ҳақидаги талабдан келиб чиқиб, у айбланаётган ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаш, ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддасига асосан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Пахтабод туман судининг 2025 йил 28 февралдаги ҳукмига кўра, ЖК 251¹-моддасининг 5-қисми билан тайинланган 7 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш, жазони ўташ муддатини биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазони ўташ бошлаган кундан, яъни 2024 йил 9 декабрдан бошлаб ҳисоблаш ва ЖК 50-моддаси 7-қисмининг “б” банди талабидан келиб чиқиб, жазони ўташ учун умумий тартибли колонияга юбориш;

- жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ бартараф қилинганлиги сабабли, жабрланувчи О.Жўраеванинг судланувчи Ғ.Муродовга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Муродов Ғайратжон Ғапиржонович Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Муродов Ғайратжон Ғапиржоновичга:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари;

ЖК 59-моддасининг 8-қисми, 61-моддасига асосан тайинланган жазога биринчи ҳукм бўйича тайинланган 7 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 7(етти) йил 6(олти) ой 10(ўн) кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазони ўташ бошлаган кундан, яъни 2024 йил 9 декабрдан бошлаб ҳисоблансин ва жазони ўташ учун умумий тартибли колонияга юборилсин.



